БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (272)
27 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА
1955 ИИЛ
БАҲОСИ 20 ТИИИН.

Бугун — Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни!

ҲАММА САЙЛОВГА!

Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг ғалабаси учун

Бугун умумхалқ байрами — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Литва, Молдавия, Латвия, Тожикистон, Туркманистон ва Эстония ССР Олий Советларига ва маҳаллий Советларига сайлов куни. Ватанимиз халқларининг улуғ оиласига бирлашган Россия Федерациясининг меҳнаткашлари, украин, белорус, ўзбек, грузин, литва, молдаван, латиш, тожик, туркман ва эстон халқлари бугун ўз миллий республикаларининг Олий Советларини ва маҳаллий Советларини сайлаш учун сайлов қутилари ёнига борадилар. Қардош республикаларнинг ёши 18 га етган ҳамма граждалари ирқи ва миллати, диний э'тиқоди, билим даражаси, ижтимоий чиқиши, мол-мулки ва ўтмишдаги ишидан қат'и назар, СССР Конституциясида ёзилган буюк ҳуқуқлардан фойдаланиб, коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун, Совет давлатининг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш ва коммунизм қурилишининг янги муваффақиятлари учун, Совет ҳукуматининг доно ташқи сиёсати ва ленинча-сталинча миллий сиёсатининг порлоқ тантанаси учун яқиллик блан овоз берадилар.

Советларга сайловлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари блан қуролланган совет халқи Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни амалга ошириш учун қурашня янада зўр ғайрат блан қучайтириб юборган кунларда, омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати мислсиз ошган бир вазиятда ўтмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларини яқиллик блан ма'қулладилар. «Коммунистик партия,—лейидаги КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорида,—Совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлаш учун қураш оғир индустрияни янада ривожлантиришни ва шу асосда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тағин ҳам юксалтиришни, совет халкининг моддий фаровонлигини тинмай яхшилаб бориши ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди». Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг бутун фаолияти эса меҳнаткашлар турмушини ҳартомонлама яхшилаш каби олийжаноб вазифага қаратилгандир. Биз коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қизғин суратда ма'қулланаётган сиёсат учун, янги гигант корхоналар, лун'ёда тенги йўқ йирик қурилишлар учун, поёнсиз унумлор буғдойзорларни ўзлаштириш учун, коммунистик мўл-кўлчилик, халқ фаровонлигини янада ошириш учун овоз берган бўламиз.

Февраль ойининг биринчи ярмида бўлиб ўтган СССР Олий Советининг Иккинчи сессийси ички ва халқаро сиёсатга доир бирқанча жуда муҳим масалаларни муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. СССРнинг 1955 йилги давлат бюджетини тасдиқлади. Социалистик давлатимизнинг 1955 йилги бюджети совет халқи ижодий меҳнатининг улуғвор кучини исбот этучи янги далиллир. Бюджетнинг ўсиши халқ хўжалигини олга бостириш ва меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган буюк ғамхўрликни яққол ифода этади. Биз коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан 1955 йилги давлат плани бюджетини муваффақиятли бажариш учун, бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун овоз берган бўламиз.

СССР Олий Советининг Декларацияси халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлини кўрсатиб берди. Ер қурраси даги юз миллионларча оддий кишилар—тинчлик тарафдорлари бу Декларацияда илгари сурилган принциплар тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг гарантияси деб билиб, ана шу принципларни қўллаб-қувватламоқдалар. Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик блан амалга ошириб келмоқда, бутун лун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда. Биз коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан 1955 йилги давлат плани бюджетини муваффақиятли бажариш учун, бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун овоз берган бўламиз.

Советларга сайловлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари блан қуролланган совет халқи Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни амалга ошириш учун қурашня янада зўр ғайрат блан қучайтириб юборган кунларда, омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати мислсиз ошган бир вазиятда ўтмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларини яқиллик блан ма'қулладилар. «Коммунистик партия,—лейидаги КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорида,—Совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлаш учун қураш оғир индустрияни янада ривожлантиришни ва шу асосда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тағин ҳам юксалтиришни, совет халкининг моддий фаровонлигини тинмай яхшилаб бориши ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди». Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг бутун фаолияти эса меҳнаткашлар турмушини ҳартомонлама яхшилаш каби олийжаноб вазифага қаратилгандир. Биз коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қизғин суратда ма'қулланаётган сиёсат учун, янги гигант корхоналар, лун'ёда тенги йўқ йирик қурилишлар учун, поёнсиз унумлор буғдойзорларни ўзлаштириш учун, коммунистик мўл-кўлчилик, халқ фаровонлигини янада ошириш учун овоз берган бўламиз.

Февраль ойининг биринчи ярмида бўлиб ўтган СССР Олий Советининг Иккинчи сессийси ички ва халқаро сиёсатга доир бирқанча жуда муҳим масалаларни муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. СССРнинг 1955 йилги давлат бюджетини тасдиқлади. Социалистик давлатимизнинг 1955 йилги бюджети совет халқи ижодий меҳнатининг улуғвор кучини исбот этучи янги далиллир. Бюджетнинг ўсиши халқ хўжалигини олга бостириш ва меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган буюк ғамхўрликни яққол ифода этади. Биз коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан 1955 йилги давлат плани бюджетини муваффақиятли бажариш учун, бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун овоз берган бўламиз.

СССР Олий Советининг Декларацияси халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлини кўрсатиб берди. Ер қурраси даги юз миллионларча оддий кишилар—тинчлик тарафдорлари бу Декларацияда илгари сурилган принциплар тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг гарантияси деб билиб, ана шу принципларни қўллаб-қувватламоқдалар. Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик блан амалга ошириб келмоқда, бутун лун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ, СОВЕТ ҲУКУМАТИ УЧУН!

* * *

КЕЛАЖАГИМИЗ ЯНАДА ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг моддий-маданий эҳтиёжларини тўла қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Партия оғир индустрияни ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг конкрет программасини белгилаб берди.

Партия ва ҳукмат томонидан халқимиз олдига қўйилган улуғ вазифаларни муваффақият блан амалга ошириш да қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг коллективлари жуда катта роль ўйнайдилар. Чунки пахта, картошка ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни ҳамда йиғиб-териб олиш ишларини комплекс равишда механизациялаштирмай туриб, уларнинг ҳосилини ошириб бўлмайди. Шуни яхши тушунган заводимизнинг кўпсонли коллективи мавжуд қишлоқ хўжалик машиналарини илғор, прогрессив агротехника талаблари асосида такомиллаштирмоқдалар ва янада унумли ишлайдиган янги машиналар яратиш устида катта ижодий иш олиб бормоқдалар.

Бу йил коллективимиз олдида жуда мураккаб вазифалар турибди. Биз илгари тайёрлаб чиқарилган машиналарни модернизация қилиш блан бир қаторда бирқанча янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз керак. Шу кунларда корхонадаги ҳарбир инженер, конструктор, технолог, ҳарбир оддий ишчи ана шу вазифаларни муваффақият блан бажариш учун астойдил курашмоқда. Заводимиз коллективининг мақсади — қишлоқ хўжалиги заказларини ўз муддатида сифатли қилиб бажариб беришдир.

Корхона коллективи шу кунларда тор қаторларда етиштирилган пахталарни териб олучи горизонталь-шпиндельди «СХС — 1,2» машиналарини оммавий суратда тайёрлаш учун ҳозирлик кўрмоқда. Бу янги машина илгариги пахта териш машиналарига қараганда жуда юқори унумлидир. У пахтани ҳўл бўлса ҳам сифатли қилиб теради. Шунингдек, биз ҳамкасбимиз— «Узбексельмаш» заводининг коллективига чигитни торқаторларга квадрат-уялаб экучи сеялкаларни қўллаб ишлаб чиқариш учун ёрдам бермоқдамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳамда маҳаллий Советларга сайлов кунини корхона ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ташаббуси ҳарқачонгидан ҳам ошган ҳолда кутиб олмоқдалар. Цехлар, участка ва бригадалар ўртасидаги сайловолди мусобақаси ўзининг яхши натижаларини берди. Ишлабчиқаришни бир me'ёрда ташкил қилиш асосида суткалик топшириқни доимо ортиғи блан бажариб келаётган 17-нчи цех коллективи бу мусабақада голиб чиқиб, завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Шунингдек, бизнинг 15-нчи цех коллективи ҳам заказларни ўз муддатида бажариш учун курашиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритди. Илгор ишчилардан Романова, Муҳитдинов, Нушас, Мустафина ўртоқлар смена топшириғини доимо ортиғи блан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Цех рационализаторлари ишлабчиқариш процессларини тобора такомиллаштириш орқали коллективимизга самарали ёрдам бермоқдалар. Масалан, илгари янги сеялканинг СПГ — 123 детали уч операцияда тайёрланар эди. Токарьлардан Топоров ва Молостов ўртоқлар ўз станокларига махсус мосламалар ўрнатиб, бу детальни бир операцияда тайёрлайдиган бўлдилар. Натижада меҳнат унуми ошди, маҳсулот сифати яхшиланди.

Заводимиз коллективи халқимизнинг содиқ фарзандларини республикамиз Олий Советига ва маҳаллий Советларга депутатликка кандидат қилиб кўрсатдилар. Жумладан, қуюв цехининг донгдор ишчиси Мажит Рўзиматов, 17-нчи цехнинг участка мастери Не'матулла Очилов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Биз — «Ташсельмаш» заводининг ишчилари бугун коммунистлар блан партиясизлар халқ болқининг кандидатлари учун, порлоқ келажагимиз учун бир жон, бир тан бўлиб овоз берамиз.

В. ВААДЕ,
цех бошлиғи.

В. ЖЕСТКОВ,
старший мастер.

Б. ИМОМОВ,
токарь.

Суратда: Қаҳрамон она **Оқида Ҳаки мова** ва **Мирзаака Бобомухамедовлар** оиласи. Бу оиладан бугун 10 киши коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг муносиб кандидатлари учун, Ватанимиз халқларининг бахт ва саодати учун қувонч блан овоз берадилар.

В. Салов фотоси.

★ ★

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

— Пахтакор-механик,
халқ хизматкори,
Юртда донг таратган бизнинг
ҳамқишлоқ,
Ёзу-қишин тинмас ҳеч трактори,
Ватан бойлигини ўйлайди ҳарчоқ.
Камтарин, ғайратли, жуда меҳрибон,
Халқ қалбида бордир улуғ ҳурмати,
Утмиши, ҳаёти ойнадек аён,
Деҳқончиликка кўп синган меҳнати.
Омоч блан ота ёнида юриб
Бойлар эшигида ўтган ёшлиги,
Йиллар ўтаберган азобни кўриб,
Броқ бут бўлмаган ўмоч-ошлиги.
Советлар байроғи яшнаб бир куни,
Қишлоққа нур келган,
ўзгарган замон.
Шунда рус ишчиси етаклаб уни,
Бошлаб борган олға,
истиқбол томон.

Коллектив ҳаётнинг улуғ қудратин
Кўриб оддий деҳқон ўғли Ватанда,
Жонажон юртига қалб муҳаббатин
Бахш этиб,
ишлаган янги гулшанда.
Деҳқон меҳнатига техника ҳамкор,
Чўлларга йўл олган деҳқон фарзанди,
Шонли касб эгаси — механизатор,
У блан элда кўп чўллар ясанди.
Ҳар йили дастлаб у қутлаб баҳорни,
Қишлоқ ерларига буради рульни.
Яшнатиб серҳосил, кенг экинзорни,
Ҳайдар ҳосил учун у дашту-чўлни,
Янги экинзорлар тарихи унинг
Кўпйиллик ишига боғланган маҳкам,
Пахтакор, азамат ҳамқишлоғининг
Номини ҳурмат-ла эл сўзлар ҳардам:
— Пахтакор-механик,
халқ хизматкори,
Юртда донг таратган бизнинг
ҳамқишлоқ,
Ёзу-қишин тинмас ҳеч трактори,
Ватан бойлигини ўйлайди ҳарчоқ.
Коржома ярашган,
енгин шимарган,
Очиқ чеҳрасида мавж урар ғайрат,
Мойли қўлин артиб рульга чиқаркан,
Гўё тинглар уни шучоқ табиат.
Моторлар гуруллар,
у яна ишда,
Яшнар чексиз олтин квадратлар,
Дала кўксин очиб у плуг-тишда,
Олға борар, тезлар сур'атлар.
Бугун сайлов куни, қишлоқда байрам,
Қўлларда бюллетень, сайловчи хурсанд,
Механик номини такрорлаб шудам,
Дер, уни сайлайміз, у асл фарзанд.

НАЗАРМАТ.

Совет Фанининг гуллаб-яшнаши учун

Дун'ёда энг илгор совет фани меҳнаткашлар манфаати учун, уларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш ва маданий савиясини тўхтовсиз юксалтириш учун, мамлакатимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбек олимлари ҳам СССР Конституциясининг ҳаётбахш нурларидан баҳраманд бўлиб, совет фанини ривожлантириш, фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар, барча соҳаларда қидириш ва илмий текшириш ишларини олиб бориб, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчилик яратиш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида иш олиб бораётган бизнинг олимларимиз саноатни, қишлоқ хўжалигини, республикамизда унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, илғорлар тажрибасини умумлаштириш ҳамда фан ютуқларини колхозлар, совхозлар ишлабчиқаришига жорий қилиш йўлида ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ходимлари сўнгги йилларда республикамизда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда кўпгина ишлар қилдилар. Институт чорвачилик кафедраси ҳузурида ҳам аспирантлар тайёрланмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинаётган аспирантларнинг диссертация темалари чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш ва чорва молларининг наслини яхшилашга қаратилгандир. Шу блан бирга кафедра ходимлари думбали қўйларнинг жун маҳсулдорлигини ошириш устида ҳам ижодий иш олиб бормоқдалар. Сўнгги уч йил мобайнида кафедра томонидан думбали қўйларни ярим майин жунли қўйлар блан чатиштириш натижалари ўрганилди. Шунингдек Ўзбекистонда боқилаётган сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширадиган ем-хашак уруғчилигини яхшилаш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарори муносабати блан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган олимларнинг олдига янги вазифалар қўйилди. Бу вазифалар совет зоотехника фанининг энг янги муваффақиятларини ва илгор тажрибаларни ишлабчиқаришга қунт блан жорий қилишдан ва чорвачилик бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Биз совет олимлари бу қувончли кунда коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун, совет фанининг янада равнақи учун якдиллик блан овоз берамиз.

В. ШЧЕКИН,
Тошкент қишлоқ хўжалик институти чорвачилик кафедрасининг мудири, профессор.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

В. ПОПОВА,
чорвачилик кафедрасининг ассистенти.

Катта бахт

Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкент шаҳри йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Шаҳарда ўтган сайловлардан буён ўнларча мактаблар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бу янги мактабларнинг озода ва ёриқ синфларида бахтли совет ёшлари билим олмоқдалар.

Тошкентда кечки ишчи-ёшлар мактабининг сони ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозир ишлаб турган 40 га яқин ишчи-ёшлар мактабида 9000 дан ортиқ киши ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширмоқда. Мен ҳам ишчи-ёшлар мактабида ўқиб билим олмоқдаман. Пойтахтимиз саноат корхоналарининг ижодий коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайлови кунини ажойиб меҳнат ютуқлари блан қутиб олдилар. Биз ўқучилар ҳам сайлов кунини ўқишда юқори кўрсаткичлар блан нишонладик. Бизга фаровон ҳаёт ва билим олиш имкониятини берган партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз.

Бугун катта байрам — республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов куни. Менинг ёшим 18 га тўлди. Бугун мен биринчи марта овоз бермоқдаман. Бу менинг учун катта бахтдир. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган биз ёшлар дун'ёда энг бахтли кишиларимиз. Биз халқимизнинг энг яхши ўғил-қизлари учун овоз бериш блан жонажон Ватанимизнинг куч-қудратининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшган бўламиз.

Мен бугун 185-нчи сайлов участкасида республика Олий Совети депутатлигига кандидат профессор Н. М. Мирошхина ва область Советининг депутатлигига кандидат Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Муҳиддинов ўртоқларга қувона-қувона овоз бераман.

Ж. НАЖМИДДИНОВ,
Москва районидаги 31-нчи ишчи-ёшлар мактабининг ўқучиси, ёш сайловчи.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан чексиз миннатдормиз

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социалистик хўжаликни янада ривожлантиришга, халқимиз моддий фаровонлигини ва маданий савиясини оширишга қаратилган ғоят муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўтмишда тарқоқ, бир парча ерга эга бўлмаган деҳқонлар Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси туфайли бир оилага — коллектив хўжаликка бирлашди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўз ватанининг янада гуллаб-яшнаши учун унумли меҳнат қилмоқдалар.

Колхозимиз а'золари КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қаратилган қарорларидан руҳланиб, ўтган йили колхоз хўжалигини ривожлантириш соҳасида бирқанча ютуқларни қўлга киритдилар. Колхоз ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, илғор колхозлар даражасига кўтарилди. Колхоз барча давлат мажбуриятларини бажарди, колхозчилар меҳнат кунларига олдинги йилларга қараганда бирмунча кўп даромад олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми биз колхозчилар олдига чорвачиликни янада ривожлантириб, унинг маҳсулдорлигини оширишдек улуғ вазифани қўйди. Пленум қарори блан қуроллланган колхозимиз а'золари коллектив хўжаликни комплекс равишда юксалтириш тадбирларини белгиладилар. Янги типда сигирхона ва бузоқхона қурилади. 40 сигир қўлда боқилмоқда. Бу йил сигирлар зотини яхшилаб, уларнинг ҳарбиридан 1600 килограммдан сут соғиб олиш учун курашни кучайтирдик. Бунинг учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш планлаштирилди. 12 гектар ерга хашаки лавлаги, 16 гектар ерга квадрат шаклда уялаб маккажўхори экамиз.

Бу йил 321 гектар ерга янги агротехника усулида картошка, сабзавот, полиз экинлари экиб улардан мўл ҳосил етиштирамиз. Бунинг учун 310 гектар ер ҳайдаб экишга тайёр қилиб қўйилди. Қўклам экишигача қилиниши зарур бўлган барча тайёргарлик ишлари тугалланди. 20 гектар ерга эртаги пиёз экилди. Парник хўжалигида карам, помидор, турли сабзавот кўчатлари етиштирилмоқда. Бу йил эртаги карам ва помидорларни чиринди тўнгларидан қилинган стаканларда кўкартириб экамиз. Колхозимиз а'золари сайлов кунини сабзавот экинлари экиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларни тўла бажариш блан кутиб олдилар.

Бугун умумхалқ байрами. Республикамиз Олий Совети ва маҳаллий Советларига сайлов кунидир. Колхозимиз а'золари мамлакатимиз меҳнаткашлари блан ягона бир оила бўлиб, СССР Конституциясида ёзилган ўзларининг улуғ гражданлик бурчларини шараф блан адо этиш учун сайлов қутилари ёнига бордилар. Биз коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари — Ватанимизнинг энг яхши ўғил-қизларини ҳокимият органига сайлаймиз. Биз, порлоқ келажагимиз — коммунизм учун, бизга бахтли, қувноқ ҳаёт яратиб берган Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукумати учун овоз берамиз.

Н. САИДОВ,
Тошкент районидаги Молотов номли колхоз раиси.

М. МУҲАММЕДОВ,
Колхоз партия ташкилотининг секретари.

Ҳ. НОРМАТОВ, С. РАСУЛЕВА, Н. КАЛОНХУЖАЕВА,
колхоз а'золари.

Сайлов тонги

Пахтакор республикамизнинг пойтахти — Тошкент қизил алвонларга бурканган. Асфальт кўчалар электр маш'аллар блан кундуздагидек ёритилган. Муҳташам биноларнинг пештоқлари шиорлар, партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари блан безатилган, Ильич чироғлари ҳартомонда олтин нур сочиб турипти.

Тонг отмоқда. Баҳор шабадаси эсмоқда. Бу кеча олатдагидан фарқ қилиб, серзавқ ўтди. Сайлов участкалари жойлашган бинолардан ашула ва музика овози эшитилиб туради. Ўқтин-ўқтин кулки кўтарилади. Ҳар томондан енгил машиналарнинг сигналлари эшитилади. Ҳамма ҳаракатда, ҳамма хурсанд. Кўчалар байрам либосини кийган кишилар блан тўлган. Озод халқ давлат органларига ўзининг энг яхши фарзандларини депутат қилиб сайлаш тараддудида. Кексалар гурунглашиб, ёшлар қўшиқ айтиб сайлов участкаларига томон бормоқдалар. Тошкент машинасозлари, Бекобод металлурглари, Чирчиқ химиклари, Мирзачўл пахтакорлари — ҳамма сайловчилар партия ва ҳукуматимизнинг отқали арбоблари учун, республикамизнинг раҳбар ходимлари учун, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғор кишилари учун овоз беришга бормоқдалар.

Мана Шота Руставели кўчаси, Машиналар, трамвайлар, троллейбуслар қатор-қатор қатнамоқда. Тўқимачилар институти бенихоя гавжум. Тўқимачилар, инженер-техниклар, олимлар, студентлар, хизматчилар, ҳунармандлар... Улар КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчевни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган эдилар. Бугун сайловчилар ўзларининг гражданлик бурчларини бажармоқ учун бу ерга келмоқдалар.

Худди шу пайтда Оҳангарон кўмир конининг донгдор экскаваторчиси ўртоқ Хўжа Алиқулов кончилар шаҳрининг асфальтланган йўлкаларидан бирида сайлов участкасига қараб шошилиб кетмоқда. У ўзининг энг яқин дўсти, новалоотбойчиклар бригадасининг бошлиғи Иван Братерский учун, ёш шаҳарнинг бошқа донгдор кишилари учун овоз беради. Бу шаҳар ва кон уруғи йилларида қурилди. ФЗО мактабини битириб чиққан Иван Братерский новатор шахтёр бўлиб етишди. Шаҳар ҳам, Братерский каби юзларча донгдор кишилар ҳам Алиқуловнинг кўз олдида ўсди, улғайди.

Ўзбек халқи Октябрь революцияси туфайли, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги блан, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдамида ана шундай катта конларга, янги шаҳарларга, юзларча гигант саноат корхоналарига, ўрта ва олий мактабларга, сон-саноқсиз маданий ўчоқларга эга бўлди. Ўзбекистон шарқда социализм маш'алига, ўзбек халқи юксак маданиятли халққа айланди. Алиқулов шуларни ўйлаганда унинг қалбида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига нисбатан, улуғ рус халқига нисбатан чексиз миннатдорлик ҳислари мавж уради.

Худди шу пайтда Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари ҳам социалистик қишлоқ кўчаларини тўлдириб сайлов участкасига томон бормоқдалар. Улар ўз колхозларининг раиси Назира Йўлдошевани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган эдилар.

Назира Йўлдошева — колхоз тузуми туфайли бахтиёр бўлган ўзбек қизи. У звено бошлиғи экинида ҳар гектардан 88 центнергача пахта етиштириб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Назира Йўлдошева раис бўлган «Ҳақиқат» колхози ўтган йил ҳар гектар пахта майдонидан 36 центнердан ҳосил етиштирди.

Бизнинг республикамиз Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси. Республикамиз меҳнаткашлари бу йил мамлакатга ҳар қачонгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштириб бериш учун, пахтачиликда янги прогрессив усулларни кенг жорий қилиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Бизнинг ойларимиз йилларга, йилларимиз ўн йилларга тенг. Башарият тарихи бизнинг мамлакатимиздаги каби хўжалик ва маданий тараққиёт сур'атини сра кўрган эмас, турли халқлар ва миллатларнинг қон-қардош бўлиб, метиндек мустаҳкам жипслашиб кетганини билган эмас.

Сайлов тонги... КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларидан, СССР Олий Совети Иккинчи сессиясининг қарорларидан илҳомланган совет кишилари сайлов қутилари ёнига:

— Ҳар йили ўн миллиард пуд галла етиштириш учун;

— Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун;

— Техника экинларидан мўл ҳосил олиш учун;

— Кенг иste'мол молларига халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини максимал даражада қондириш учун;

— Тараққиётимизнинг негизи бўлган оғир саноатни тобора ривожлантириш учун овоз берамиз! деб бормоқдалар.

Сайлов тонгида сайлов қутилари ёнига бораётган ҳарбир сайловчи энг аввал коммунизм ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Коммунистик партиямиз ҳақида, доно Совет ҳукуматимиз ҳақида ўйлайди. У порлоқ келажакка қат'ий ишонч ҳислари блан овоз бермоқда.

Бугун иттифоқчи республикалар Олий Советларига ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказилмоқда.

Улуғ халқ, партия ва ҳукумат бир-бирига чамбарчас бирикиб кетган бизнинг мамлакатимизда коммунизм тонги отмоқда.

Наби ЮСУФИЙ

★

Социалистик сан'атимиз гуллаб-яшнасин

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тобора яхшилаш, маданиятни юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Совет ҳокимияти миллионларча деҳқонларни эксплуатация қуллигидан озод қилибгина қолмади, балки уларнинг маданий юксалишига, ижодий қобилиятларини тараққий этдириш учун мисли кўрилмаган даражада кенг имкониятлар очиб берди. Ўзбек халқи революциягача театр нималигини билмаган бўлса, ҳозир у ўз орасидан етишиб чиққан профессионал актерларига, академик театрига, кунданкунга ривожланаётган опера ва балет сан'атига, кинематографиясига, филармониясига, капелласига, эстрадасига эга.

СССР Конституцияси саҳифаларига олтин ҳарфлар блан ёзилган илм олиш, меҳнат қилиш каби муқаддас ҳуқуқларга эга бўлган ўзбек халқи ўз вақтини чор ўтказишга, рус ва жаҳон сан'атининг ажойиб намуналаридан баҳраманд бўлишга эришди. Энди ўзбек халқи социалистик реализм методи асосида ижод этаётган ўз ёзучи ва композиторларининг, музикант ва рассомларининг, артист ва солистларининг сан'атидан завқ олмоқда, уларнинг бадиий маҳоратли улуғ рус маданиятининг самарали та'сири остида такомиллашиб бораётганини кўриб беҳад қувонмоқда.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри ўзбек халқининг фахри бўлиб қолди. Республикамиз меҳнаткашлари бу театр саҳнасида Гоголь, Островский, Горькийнинг ўлмас асарларини, К. Симонов, А. Корнейчук, Н. Погодин, Ш. Дадиани, Х. Мухторов сингари кўпмиллатли совет адабиёти намоёндаларининг энг яхши пьесаларини, ўзбек драматургияси намуналарини кўрмоқдалар. Театр саҳнасида қўйилган Шекспир, Гольюни, Мольер, Лопе де Вега каби жаҳон драматургияси классикларининг асарлари тамошабинларга ма'қул бўлди. Халқимиз бу театр яратган «Гамлет», «Отелло» каби ўлмас спектакльларни ўзбек саҳна маданиятининг катта ютуқларидан деб билади.

Биз, театр ходимлари, сан'ат соҳасидаги бу ютуқларга партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли эришмоқдамиз.

Яқинда бўлиб ўтган СССР Олий Советининг Иккинчи сессиясида қабул қилинган давлат бюджети халқимизнинг тинчлигини, фаровонлигини янада яхшилашга қаратилгандир. Олий Совет сессияси Коммунистик партия ва Ҳукуматимиз ишлаб чиққан тинчлик сиёсатини яна бир марта ма'қуллади. Бу сиёсат халқимизнинг ҳоҳиш — иродасини акс этдириш блан бирга, меҳнаткашлар фаровонлигини янада оширишни кўзда тутади, шаклан миллий, мазмунан социалистик сан'атимизни тобора ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугун биз халқимизнинг энг яхши ўғил-қизларини ҳокимият органларига сайлаймиз. Биз сайлов қутилари ёнига бориб партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати учун, халқимизнинг бахт-саодати учун, социалистик сан'атимизнинг янада равнақи учун овоз берамиз.

Тошхон СУЛТОНОВА,
МАРЯМ ЁҚУБОВА,
Амин ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артистлари.

Ватанимиз янада қудратли бўлсин

Революциядан илгари Ўзбекистон халқлари жуда оғир аҳволда яшар эдилар. Меҳнаткаш деҳқон ёки ишчининг эртаю-кеч ишлаб топгани бола-чақасига едириш ва кийдиришга етмас эди. Болани боқиш, кийим кийдириш, аллақанча пуллар эвазига уни ўқитиш, тарбия бериш оилага катта ташвиш эди.

У маҳалда боқча, мактаб, пионерлар саройи, болаларни даволовчи санатория, шифохоналар қаёқда дейсиз! Бойлар камбағаллар боласини тарбиялаш, ўқитиш ишлари блан сра қизиқмас эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқига бахт келтирди. Болаларимиз учун тарбия олиш ва ўқиш учун барча шароитлар яратиб берилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бизнинг келажагимиз, орзу ва умидимиз — болалар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Областимиздаги юзлаб ўрта мактаб, ўнлаб институт ва техникум, бирқанча боқча ва яслилар болаларимиз хизматидадир. Бу та'лим-тарбия муассасалари ўғил ва қизларимизни коммунистик ахлоқ руҳида тарбияламоқдалар.

Мен ўнбир боланинг онасиман. Бизнинг уйда ҳарбир янги меҳмоннинг дун'ёга келиши зўр қувонч ва хурсандчилик блан кутиб олинади.

Ҳозир ҳамма болаларим соғ-саломат. Катта ўғлим Содиқ армия сафида хизмат қилмоқда. Ундан кейинги ўғлим Зойир магазинда сотучи бўлиб ишлайди. Қолган ўғил-қизларим техникум ва ўрта мактабда ўқийди, кичиклари эса боқчада тарбияланмоқда. Мен кўпболали она сифатида ҳукуматимиздан катта ёрдамлар олиб турамаи. Болаларим сони 11 га етганида давлатдан бир йўла 7 минг сўм нафақа пули олдим. Кейин эса ҳар ойига 250 сўмдан пул олиб турадиган бўлдим. Кўп боланинг онаси бўлганим учун Иттифоқ ҳукумати мени икки марта «Оналик шуҳрати» ордени блан 1949 йилда «Қаҳрамон она» медали блан мукофотлади.

Мен ўз фарзандларимни одобли ва меҳнатсевар, онгли ва ақлли қилиб, ўз социалистик давлатининг ватанпарвари қилиб тарбиялямоқдаман. Болаларимиз тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан чексиз миннатдорман.

Мен бугун болаларимизнинг бахт-саодати учун. Ватанимизнинг бундан ҳам қудратли бўлиши ва гуллаб-яшнаши учун овоз бераман.

Пайзи ҚОСИМОВА,
Қаҳрамон она, Москва райони.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг Баёноти

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси 1955 йил январь ойида Вена шаҳрида ўтказган мажлисида соф виждонли барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ва интилишларини ифода этиб халқларга мурожаат қилди ва уларни янги уруш тайёргарлигига қарши ҳамда атом қуролини қўлланиш хавфига қарши чиқишга, тинчликни ҳимоя қилишга, ана шу ялпи қирғин қуролининг ҳамма запасларини тугатишни ва бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхтатишни талаб қилишга чақирди.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши тайёргарлигига қарши чиқарган Мурожаатини СССРнинг қирқ етти миллион ишчи ва хизматчилари номидан тамомила қўллаб-қувватлайди ва қизғин ма'қуллайди. Бу Мурожаат ер юзидаги барча мамлакатлар халқларининг туб манфаатлари ва орзу-тилакларига муносибдир.

Совет кишилари янги уруш хавфига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун актив кураш олиб боришни ўзларининг муқаддас бурчи, деб ҳисоблайдилар.

Совет халқи социалистик Ватанининг бахт-саодати йўлида тинч ижодий меҳнат блан банддир. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг халқ хўжалигини янада ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган тарихий қарорларидан илҳомланган мамлакатимизнинг ишчилар синфи меҳнат соҳасида янгидан-янги зафарларга эришмоқда. Бизнинг тинчликсевар халқимиз бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришга, социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни янада кўпроқ мустаҳкамлашга, совет кишиларининг ҳаётини янада бахтли қилишга интилмоқда.

СССР касаба союзлари Совет ҳукуматининг тинчликсеварликдан иборат ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқда. Совет ҳукумати қурол-яроғларни камайтириш учун, атом ва водород қуролларини бутунлай тақиқлаш учун оғишмай ва изчиллик блан кураш олиб бормоқда ва инсоннят генийсининг буюк кашфиёти — атом энергиясини ўлим ва вайронгарчилик манбаига айлантирмай, балки ундан кишиларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Халқаро агрессив доиралар халқларнинг хоҳиш-иродасига хилоф суратда янги урушни, атом урушини аста-секин тайёрламоқдалар. Бу уруш бундан илгари ўттан ҳарқандай урушга нисбатан жуда оғир оқибатларга олиб келган бўлар эди. Совет кишилари, шунингдек тинчликнинг ҳамма тарафдорлари халқаро агрессив доираларнинг ана шу ҳаракатига пассив қарай олмайдилар.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари агрессив Шимолий атлантик иттифоқи кенгашининг атом уруши планларини ишлаб чиқиш тўғрисида яқинда қабул қилган қароридан бениҳоя ғазабландилар. Совет кишилари АҚШдаги ва бошқа империалистик давлатлардаги агрессив доираларнинг ажал уруғи бўлган атом қуролини ғарбий герман милитаристлари қўлига топшириш ниятида эканлигини билиб, янада қаттиқ ғазабландилар. Ана шу герман милитаристларининг айби блан иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун Европа қон дар'ёсига ғарқ бўлди, неча минглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди, миллион-миллион кишилар ҳалок бўлди.

Аммо, ҳозирги вақтда тинчлик кучлари уруш кучларидан қудратлироқдир. Барча тинчликсевар халқлар биргалашиб ҳаракат қилганларида, уруш оловини ёқучларнинг жиноий планларини барбод этаоладилар ва тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаоладилар.

Дун'ё олдида жиддий хавф пайдо бўлган бир пайтда демократия ва прогресс кучлари тинчлик учун кураш байроғи теварагида янада маҳкам жипслашадилар. Улар тинчлик ва давлатлар ҳамда халқларнинг тотув яшови сиёсатини, халқаро миқ'ёсда дўстона ҳамкорлик сиёсатини атом урушини тайёрлашдан иборат агрессив йўлга қарама-қарши қўймоқдалар.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари СССР Олий Советининг 1955 йил 9 февральдаги Декларациясини тамомила ма'қулламоқдалар. Бу Декларация тинчликни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида, улардаги ижтимоий системаларнинг қандай бўлишидан қат'и назар, дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг равшан йўлларини белгилаб беради.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети барча меҳнат аҳлини — ишчиларни, хизматчиларни, инженер-техник ходимларни, МТС ва совхоз ходимларини, фан ва маданият ходимларини Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши тайёргарлигига қарши чиқарган Мурожаатини яқдиллик блан қўллаб-қувватлашга чақиради.

Биз, тинчлик кучларининг уруш кучлари устидан ғалаба қозонишига астойдил ишонамиз.

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ

Фан муваффақиятларини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига кенг жорий қилайлик

Тошкентда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли илмий-текшириш муассасалари ходимларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда фан муваффақиятларини ва илғор иш тажрибасини ишлабчиқаришга жорий қилиш блан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари КПСС МК Пленумларининг деҳқончиликни ва чорвачиликни янада ривожлантириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳақидаги қарорларидан келиб чиқадиган проблемаларга асосий э'тиборни бердилар.

Республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори В. Е. Еременко докладида тупроқни ишлашда Т. С. Мальцев ишлаб чиққан метод ҳартарафлама ёритиб берилди. Ма'лумки, бу йил кўкламда Ўзбекистон пахтакорлари ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва торқаторлаб экиш каби прогрессив агротехника усулларини кенг қўлланишлари керак. Бу эса ҳамма дала ишлари цикларини бажариш, биринчи навбатда экишгача тупроқни ишлаш ва экишни ўтказиш муддатларига қаттиқ риоя қилишни талаб этади. Республикада ерларнинг анча қисми ҳайдалмай қолган ва тупроқда нам кам тўпланган бу йилги кўклам шароитида Зауралье новаторининг тавсияномаларини амалга ошириш айниқса мақсадга мувофиқдир.

Тажриба кўрсатдики, ўтган йили отвалсиз ҳайдаш усулини қўлланган колхозлар пахтадан юқори ҳосил олдилар. Масалан, Андижон область Олтинкўл районидаги «Биринчи май» колхозида гектарига 8 центнер қўшимча ҳосил олинди, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги ва Хоразм область Урганч районидаги колхозларнинг бригадаларида бу агротехника усули гектаридан 40—50 центнердан ҳосил олиш имкониятини берди.

Ерни отвалсиз ҳайдаганда ер бетида кесак пайдо бўлмайди, тупроқнинг экишга боп майда донадор қатлами бузилмайди, тупроқда нам жуда яхши сақланади.

Шундай қилиб, Т. С. Мальцев методини маҳаллий шароитни назарга олиб, ижодий қўлланиш — экиш олдидан тупроқни ишлаш блан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва МТС раҳбарлари ҳарбир конкрет ҳолда тупроқни ишлаш формаларини белгилашлари, энг фойдали формаларни танлаб олишлари керак.

Ерни отвалсиз ҳайдаш усули баҳоримкор ерларда дон, ўт ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишда ҳам кенг қўлланилиши лозим.

Т. С. Мальцев таклифига биноан шундай практикани жорий қилиш керакки, хўжаликларда пахтанинг фақат бир сортидан бўлган уруғлик чигитгина эмас, балки икки ёки уч сортдан бўлган уруғлик чигитлари бўлиши лозим.

Конференция қатнашчилари агрономлар ва колхоз ишлабчиқариши илғорлари республика кенгашининг қарорини яқдиллик блан қўллаб-қувватладилар. Бу кенгашда чигит экиш олдидан тупроқни тайёрлашни янада яхшилаш, янада юксалтириш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган эди.

Сўнгра конференцияда геология — минералогия фанлари кандидати Н. М. Решеткиннинг республикадаги пахтакор районларда шўр тупроқ ерлар шароитида вертикал зовурлар усулини қўлланиш ҳақидаги доклади тингланди.

— Ўзбекистон пахтакорлари, — деди докладчи,—қадимги замонлардан буён горизонталь зовурлардан фойдаланиб келмоқдалар. Горизонталь зовурлар қуришга одатда кўп маблағ ва меҳнат сарфланади. Лекин ҳарҳолда горизонталь зовурлар ертаги сувлари даражасини етарли камайтиришни, демак, тупроқнинг шўрини кетказишни та'минлайолмайди. Одатда ертаги сувлари юқори бўлган ерларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари кам ҳосил беради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ходимлари тупроқнинг шўрланишига қарши кураш усулларини ўрганиб шундай хулосага келдиларки, ер вазифани вертикал зовурлар усулини қўлланиш йўли блан ҳал этиш мумкин. Вертикал зовурлар усулининг афзаллиги шундаки, тўпланган сизот сувлари насослар ёрдами блан ер устига чиқарилади ва улардан далаларни суғориш учун қўшимча манба' сифатида фойдаланиш мумкин. Шу блан бирга бу усул ертаги сувлари даражасини камайтиришга ва ернинг шўрланиш процессини тўхтатишга ёрдам беради. Бунинг устига вертикал зовурлар хўжаликлар учун анча арзонга тушади ва қўл меҳнати ишлатишни деярлик талаб қилмайди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг вакили, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. М. Легостаев ва Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг вакили инженер—гидрогеолог Г. Д. Антонов докладчининг фикрини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг ходими, техника фанлари кандидати В. А. Баранов конференция қатнашчиларинқ институт ишлаб чиққан янги насос установкаси блан таништирди. Бу насос установкаси вертикал зовурлардан каналларга бир секундда 200 литргача сув чиқараолади.

Техника фанлари кандидати А. Н. Ляпин ўз докладини янги агротехника усулларини ишлабчиқаришда жорий қилиш муносабати блан пахтакорлар олдида кўндаланг бўлиб қолган энг муҳим проблемалардан бирига бағишлади. У илмий-текшириш муассасалари ходимларидан иборат бригада томонидан қилинган иш натижаларини муфассал баён қилиб берди.

Конференцияда чорвачилик масалаларига катта э'тибор берилди. Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. А. Атбашьян ва А. К. Львович соғин сигирларнинг бирқанча янги зотли группаларини такомиллаштириш ҳақида доклад қилдилар.

Конференция қатнашчилари қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Сухановнинг пилла қуртини жадал боқиш якунлари ҳақидаги докладини ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. И. Путинцевнинг Ўзбекистондаги тоғлиқ ва тоғ этакларидаги районларида узумчиликни ривожлантириш перспективалари ҳақидаги докладини ҳам тингладилар.

Олимлар қабул қилинган резолюцияда фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани ишлабчиқаришга жорий қилишга ёрдам берадиган конкрет-тадбирларни белгиладилар. (ЎзТАГ).

КЎКЛАМНИ ПУХТА ТАЙЁРЛИК БЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

☆ ☆ ☆ ☆

Чигитни квадрат-уялаб экишга пухта тайёрланайлик

Бу йил областимиз пахта майдонларининг асосий қисмига чигит квадрат-уялаб экилади ҳамда ғўза қатор оралари икки томонлама, я'ни узунасига ва кўндаланг-ига ишланади. Пахтачилик агротехникасининг бу прогрессив усулини муваффақият блан қўлланиш учун кўклам чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш керак. Бунда, биринчи навбатда, ҳарбир смена бўйича чигит экиладиган ерларни танлаш, ажратиш, уларни тайёрлаш лозим. Айниқса, камқувват, меҳнат резервлари етарли бўлмаган колхозларда чигитни янги усулда экиб ғўза қатор ораларини механизация ёрдамида икки томонлама ишлашга мумкин қадар кўп ер ажратиш зарур.

Чигитни 60х60 сантиметр схемасида квадрат-уялаб экиш учун энг унумдор, сизот сувлари юза турган, илдизан ўсиб чиқадиган ва илдиздан тарқаладиган бегона ўтлар кўп бўлган ерлар ажратилади. Бундай ерларда ғарчи туп қалинлиги унча кўп бўлмаса ҳам, лекин ғўза бақувват бўлиб ривожланади ва мўл ҳосил тугиб шунинг ўзи блан туп камлигининг ўрни босилиб кетади.

Чигитни 60х45 сантиметр схемасида тўғри бурчакли шаклда уялаб экиш учун унумдорлиги ўртача, шўрхок, лекин нишаби билинар-билинмас бўлган ерлар ажратилади. Аммо 45х45 сантиметр схемасида квадрат-уялаб экиш учун нишабли, тор эгатларда сувнинг равон оқишини та'мин этадиган ерлар ажратилади.

Чигит квадрат-уялаб экиладиган ерлар, асосан текис бўлиши блан шаклан ҳам тўғри, идожи бўлса квадрат ёки тўғри бурчакли шаклда бўлиши лозим. Картанинг узунлиги камида суғориш эгати узунлигича, я'ни 200—500 метр бўлиши ма'қул. Агар карта 500 метрдан узун бўлса, уни баравар икки бўлакка ажратиш керак (1-нчи расм) Ғўзанинг эгасизланмаслиги, тупларнинг сақланиши, қатор ораларининг сифатли ишланиши учун трактор бригадалари ҳам далачилик бригадалари блан бирдай жавобгар ва манфаатдор бўлиши шарт. Бунинг учун ҳарбир далачилик бригадасида чигит битта схемада экилиши, ғўза ҳам айни схемага мувофиқ парвариш қилиниши, шу блан бирга бригадада бутун ўсув даври давомида трактор блан қилинадиган ишларни бажариш учун 1—2 «универсал» ва трактрчилар доимий қилиб бириктиб қўйилади.

Квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг нормал ишлаши учун ер сифатли ҳайдалиши блан бирга яхши текисланиши, ҳамда чегаралари тўғриланиши лозим.

Бу йил областимиз колхозларида биринчи марта СПГХ-4 ва чигитни 60х60 схемада экиш учун мосланган «ССК» сеялкалари ишлатилади. СПГХ—4 сеялкасининг ишлаш кенглиги 2,4 метр бўлиб, 4 та сошниги бор. Демак у бирйўла тўрт қаторга чигит экади. Бунда чигит 60х45 сантиметр ораликлар блан тўғри бурчак шаклда уялаб экилади. Сеялканинг уруғлик яшигига 115 килограмм чигит сиғади. Ерга (уяга) тушган чигитларни 2—7 сантиметр чуқурликка кўмиш мумкин.

ССК маркали сеялка эса МТСларга юборилган ПКС—60 деталь ва қисмлар комплекти блан чигитни уялаб экишга мослаб қайта ускуналанади.

Сеялкаларга режа симлари, уларни таранглашда ишлатиладиган 2 та лебедка ва режанинг тўғри тортилганлигини аниқлаш учун фиксаторлар қўшиб юборилади.

Чигит даланинг суғорилиш йўналишига қараб экилади. Қатор ораларининг икки томонлама равон ишланишини та'минлаш учун уялар даланинг узунаси ва кўндаланг томонларига аниқ тўғри чизиқ бўлиб жойланиши зарур. Бу эса чигит экиш агрегати шахсий составининг ниҳоят даражада уюшқоқлик блан ишлашини талаб этади. Бунинг учун чигит экиш агрегати шахсий составини пухта танлаш ва тайёрлаш керак. Чигит экишда иштирок қиладиган кишиларни танлаш ишини тезда тугаллаш ва уларга экин кампанияси бошланишигача бўлган даврда чигитни янгича экиш усулларини батафсил ўргатиш ва далада махсус участкалар ажратиб, оммавий машғулотлар ўтказишни машқ қилдириш керак.

Квадрат-уялаб экиш агрегатининг шахсий составида трактрчи, сеялкачи режа сими контролёри, тарангловчи лебедка ёнида туриб режани созловчилар, далани чигит экишга тайёрловчи ва нишон солгичлар бўлади.

Агрегатнинг шахсий состави чигит экиш тугаллангунча ишлайдиган доимий ходимлар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун улар МТС директорининг буйруғи блан расмийлаштирилади. Агрегатнинг бошлиғи—трактрчи, «универсал»да ишлашни тўла эгаллаган, бирнеча йиллаб



1-нчи расм.

чигит экиб, катта тажриба ҳосил қилган бўлиши керак. Сеялкачиликка ҳам илгаридан чигит экишда қатнашиб келаётган колхозчилардан танланади. Контролёр, лебедкачи, нишончилар ҳам тажрибали, шу блан бирга камида еттийиллик ма'лумотга эга бўлган кишилар бўлиши керак.

Агрегатнинг ҳарбир а'зоси экиш процессида муайян вазифани бажаради. Экиш эса бир пайтнинг ўзида қилинадиган бирнеча операциядан иборат мураккаб ишдир. Ғарчи операциялар унча мураккаб бўлмаса ҳам лекин экиш процессида қат'ий аниқликни талаб қилади. Биронта ходимнинг пайтни қўлдан бериши, кичкина ноаниқликка йўл қўйиши, ишнинг кейинга сурилишига ёки брак қилинишига сабаб бўлади.

Шунинг учун экиш агрегати составидаги ҳарбир кишининг гоят маҳорат ва эпчиллик блан ишлаши талаб этилади. Такрор айтамизки, бунга эришмоқ учун ҳозирги ҳарбир кундан тўла фойдаланиб, кадрларни қунт блан ўқитишимиз, уларга ишнинг техникасини мукаммал ўргатишимиз керак. Бунга агроном, механик, ер тузучиларни жалб этишимиз лозим.

Квадрат-уялаб экишда далани умуман тайёрлаш блан бирга уни тўғри режалаш ва шу режадан ҳечбир оғмасдан чигитни экиш асосий ўринда туриши керак. Бунинг учун карта тўғрилаб режаланиши зарур. Режалаш ҳамавақт суғориш йўналишига қараб картанинг чап томонидан бошланади. Бундан экиш агрегатининг қайрилиши учун картанинг бош ва этак томонларида 7,2 метр кенгликда жой қолдирилади.

Агрегатнинг биринчи йўли ҳам картанинг чап томонидан бошланади, шунга қараб қаторлаб режаланади. Бунинг учун картанинг чап томони бўйича нишон таёқлар ўрнатилиб, агрегатнинг биринчи йўли белгиланади ва бу йўлдан 1,2 метр нарига, картанинг ичига режа симлари тортилади. Режа сими лебедкалар блан таранглаиади.

Картанинг ўртасига, сеялканинг биринчи йўли ва режа симига перпендикуляр ҳолда контроль чизиқ тушириладн. Бунинг учун режа симини картанинг ўртасидаги шайбаларидан бири танлаб олинади ва лента боғланиб таниглик қилинади ҳамда у фиксаторга маҳкамланади. Шундан кейин танланган шайбанинг икки томонидан баравар сонда, масалан 6—8 тадан шайбалар санаб олинади ва охирги шайбаларга, тўғри келган нуқтага қозиқлар қоқилади. Қозиқларга 40—50 метр узунликда каноп ип учлари боғланиб, канопнинг қоқ ўртаси тугин блан таниглик қилиб қўйилади. Сўнгра бошқа лента блан таниглаиган шайба ва каноп тугун турган нуқтага тўғрилаб ҳар 4,8 метрга биттадан нишон таёқлар ўрнатилади. Ниҳоят икки нишон таёқдан кўз қири ташлаб картанинг кўндаланг томони охиригача тўғрилаб каноп тортилади, бу контроль чизиқ бўлади. Худди шундай усулда контроль чизиққа параллель қилиб даланинг икки бошига ҳам режа симларини таранглайдиган лебедкалар ўрнатиламган чизиқлар солинади. Экиш агрегати эса ана шу четки чизиқлардан ўтиб қайрилади. (2-нчи расм).



2-нчи расм.

Агрегат биринчи юришнинг охирига етганда, сеялкачи пастга тушиб маркёрни кўтариб режа симини узлоуловительдан чиқариб қўяди. Сўнгра агрегат лебедка орқасидан айланиб режа симининг ўнг томонига ўтгач, сеялкачи маркёрни тушуриб симни узлоуловительга осиб қўяди ва чигит экиш давом этади. Иккинчи юриш охирига етганда, агрегат тўхтайди, маркёр олинади. Бу гал агрегатнинг қайрилиши олдидан лебедкалар ва режа сими аввалги жойидан 4,8 метр нарига олиб қўйилади.

Фиксатор ёрдами блан режа симининг контроль чизиққа перпендикулярлиги ва шайбаларнинг уларга тўғрилиги текширилади. Сим таранглангандан кейин агрегат худди биринчи юришдагига ўхшаш симнинг чап томонидан экишни давом этдиради. Демак, агрегат картанинг ўнг ёнига етгунча бериб келаберади. (3-нчи расм) Ниҳоят охиридаги юришда ўнг томондаги бўш жойнинг 1,2 метр кенгликдаги қисмига ҳам чигит экиб кетади. Бу йўлнинг охирига етгач агрегат тўхтайди. Сўнгра сеялканинг экучи аппарати чигитни қаторлаб экишга тўғриланади. Агрегат картанинг бош томон қайрилиш жойига бурилиб, чигитни оддий усулда тўрт қаторга экиб, сўнгра чап ёндаги экилмай қолган 2,4 метр кенгликдаги ерга чигит экали ва ундан этак томонидаги қайрилиш жойига ўтади. Бу жойда агрегат бошдан охиригача уч марта бориб келиб 7,2 метр кенгликка чигит экади. Учинчи юришнинг охирига етганда картанинг ўнг томонидаги экилмай қолган 2,4 метрли йўналишга бурилади. Бу қаторга чигит экилгандан сўнг агрегат даланинг бош томонидаги қайрилиш жойидан қолиб кетган 4,8 метр кенгликка қаторлаб чигит экади. Бу гал агрегат икки марта бориб келади ва шундан кейин навбатдаги картага ўтиб кетади. Шундай қилиб картанинг тўрт ён томонидаги қайрилиш жойидан бошқа ҳамма жойга чигит уялаб экилади. Қаторлаб экилган ён томонлар қатор оралари узунасига ва кўндалангига культивация қилишда ғўзаси яганаланиб букетланади, натижада ўсимлик уялаб жойланади. (4-нчи расм).

Иш бошлаш ва сеялкани далага киритишдан олдин унинг иш органлари созланади. Сеялкаларнинг иш органларини созлашда экиш аппарати бир уяга зарур миқдорда чигит тушириб туришга сошник чигитни параллель қаторларга ва тегишли чуқурликка туширишга, поводкалар узунлиги поводка пружиналарининг сошник ҳамда окучникларни қисиб туришига, кўтариш механизмларининг иш органларини зарур даражада кўтариб ва тушириб туришга, маркерларни кўтариб туширишга, окучи аппаратларни ҳаракатга келгиришга э'тибор қилинади.

Сеялка уяларнинг бир чизиқ устига тушишига қарата ҳам созланади. Бунда э'тибор уялаб экучи аппаратларнинг чигит экилган уяларнинг кўндаланг йўналиш режа симидаги шайбаларга тўппа-тўғри бўлишига қаратилади. Бунинг учун режа сими тортилади ва сеялка иш тезлигида, сошниклар тегишли чуқурликда юритилиб чигит экилади. Режа симининг рўпара келган шайбаси тўғрисидаги тўрта уянинг ҳаммаси очилади, кейин ўртадаги уя устида режа симигача каноп тортиб, уяларнинг энг яқиндаги шайбага бир чизиқ бўлиб тушиши текширилади. Созловчи диска бўйича планкадан болтни бошқа тешикка олиб қўйиш йўли блан уялаш аппаратининг уяларга чигит тушириши тезлаштирилади ёки секинлаштирилади. Шундан кейин сеялка яна юритилиб текширилади. Бу иш сеялка тўла созлангунча давом этдирилади.

Н. ТРИГУЛОВ,
К. КОНОВАЛОВ.



3-нчи расм.



4-нчи расм.

Чигитни янги усулда экиш юзасидан семинар

Оҳангарон район партия комитети яқинда 2-нчи МТС зонасидаги Андреев номли колхозда пахта етиштиришнинг янги усулларини ўрганиш юзасидан семинар ўтказди. Бунга колхоз партия ва комсомол ташкилотларининг секретарьлари, агрономлар, тракторчилар ва бригада бошлиқлари ҳамда агитаторлардан 130 га яқин киши қатнашди.

Семинар қатнашчилари учун 2-нчи МТСнинг бош агрономи ўртоқ Маҳбубов «Чигитни квадрат-уялаб экиш—ҳосилни оширишнинг муҳим воситасидир» ва район партия комитетининг 2-нчи МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Ўтахалиев «Кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишда агитаторларнинг вазифалари» деган темаларда лекция ўқидилар.

Шундан сўнг Андреев номли колхоз партия ташкилотининг секретари Султонов, агитатор Қурбонов ва агроном Шодибеков ўртоқлар ўз тажрибаларини семинар қатнашчилари блан ўртоқлашдилар.

А. А'ЗАМОВ.

ГДР ПРЕЗИДЕНТИ ВИЛЬГЕЛЬМ ПИК СОВАТ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БЕРЛИН, 25 февраль. (ТАСС). Бугун Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик Лейпциг ярмаркасида қатнашиш учун Германия Демократик Республикасига келган совет ҳукумат делегациясининг раҳбари, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. И. Микоянни ҳамда делегация а'золари: СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисовни ва РСФСР Маҳаллий саноат министри Н. Е. Чесноковни қабул қилди.

Қабул вақтида Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь, ГБСП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Вальтер Ульбрихт ҳозир бўлдилар.

Қабул вақтида СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси Г. М. Пушкин ҳам бор эди.

Болгария жамоатчилиги Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Вена Мурожаатини қўллаб-қувватламоқда

СОФИЯ, 25 февраль. (ТАСС). Болгариядаги жамоат ташкилотлари Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Вена Мурожаатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Газеталар Болгария касаба союзлари Марказий совети, Халқ ёшлари Димитров союзи Марказий комитети ва Болгария Совет жамиятлари Марказий советининг Баёнотини босиб чиқардилар. Баёнотда бундай дейилади: Бу ташкилотларнинг неча миллионлаб а'золари атом ва водород қуроли ишлаб чиқаришни тақиқлашни ҳамда атом ва водород қуроли запасларини йўқ қилишни, қурол-яроғларни камайтиришни ҳамда атом уруши тайёргарлигига хотима беришни талаб қилмоқдалар.

Ҳиндистон парламентида Неру нутқи

ДЕҲЛИ, 25 февраль. (ТАСС). Маҳаллий радио қўйидаги хабарни эшитдирди: Ҳиндистон бош министри Неру Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида бугун нутқ сўзлади. Бу нутқ асосан Осиёдаги воқиаларга бағишланган эди.

Неру бундай деди: Ҳозирги вақтда жаҳонда юз берган кўпгина қийинчиликлар шунинг натижасида келиб чиқдики, ба'зи кишилар Осиёга эскича қарамоқдалар, Осиё проблемаларини тушунмаётирлар. Фактлар, деб ўқтириб ўтди у, бировлар томонидан э'тироф қилинмаганлиги учунгина фактларнинг йўқотмайди. Бирор мамлакат Хитойни таниган экан, бу мамлакатнинг Формоза (Тайвань) ороли ҳам Хитойга қарашли эканлигини э'тироф қилиши лозимлиги табиийдир. Агар бу оролни ярим аср японлар оккупация қилиб турганлигини ҳисобга олмасак, Формоза (Тайвань) неча-неча юз йиллар мобайнида Хитой территориясининг бир қисми бўлиб келди. Неру ўқтириб ўтдики, Куэмой ва Мацзу ороллари ҳам албатта Хитойга қарашлидир. Ҳамманинг э'тироф қилишича, чанкайшичилар бу ороллардан чиқиб кетишлари лозим ва бу ороллар Хитой ҳукумати'га ўтиши лозим. Сўнгра, деб илова қилди Неру, Формоза (Тайвань)нинг ва Пескадор оролари (Пэнхуледао ороллари)нинг статути каби масалалар муҳокама қилиниши мумкин.

Неру ҳарбий пакт ва иттифоқларга қарши эканлигини айтди. У ҳамма ҳарбий иттифоқларни танқид қилиб, Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳарбий иттифоқларга алоҳида э'тибор берди.

Неру Осиё ва Африка мамлакатларининг чақириладиган конференцияси ҳақида гапириб, менга ма'лум бўлишича, конференцияга таклиф этилган ҳамма мамлакатлар бу конференцияда иштирок қилмоқчи, деб та'кидлаб ўтди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Швеция комитетининг қарори

СТОКГОЛЬМ, 25 февраль. (ТАСС). Тинчликни ҳимоя қилиш Швеция миллий комитети атом уруши тайёргарлигига қарши чиқарилган Вена Мурожаатига 1 мартдан бошлаб имзо тўплашга қарор қилди ва шу муносабат блан Швециядаги барча ташкилотларга ҳамда гражданларга қарата мурожаат э'лон қилди.

Японияда Америка солдати устидан суд

ШАНХАЙ, 25 февраль. (ТАСС). Япония радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Саппорода (Хоккайдо ороли) отель ҳоҳимаси бўлган япон аёлини ваҳшийларча ўлдиришда айблов бўлган америкали ефрейтор Смитнинг суддаги иши очиқ равишда кўрилган. Суд Смитни беш йил каторга ишларига ҳукм қилган.

Чанкайшичилар Наньцзишань оролидан чиқиб кетдилар

НЬЮ-ЙОРК, 25 февраль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Тайбэйдан берган хабарига қараганда, қит'адаги Хитой соҳилидан 25 миля масофадаги Наньцзишань оролидан чанкайшичи қўшинларни «эвакуация қилиш» бугун эрталаб тамом бўлган.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясининг бутун дун'ё хотин-қизларига Мурожаати

ВЕНА, 25 февраль. (ТАСС). Халқаро хотин-қизлар куни 8 март яқинлашиб келаётганлиги муносабати блан Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси бутун дун'ё хотин-қизларига мурожаат қилди. Мурожаатда бундай дейилади:

Традицион Халқаро хотин-қизлар куни 8 март муносабати блан Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси Халқаро демократик хотин-қизлар Федерациясини ва у орқали бутун дун'ё хотин-қизларини қизғин табриклайди.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси ва барча меҳнаткашлар самимий бирдамлик ҳиссига тўлиб тошганлари ҳолда Халқаро хотин-қизлар кунини байрам қилишда ва фаол қатнашмоқдалар.

Касаба союз ташкилотлари жуда яхши тушунадиларки хотин-қизларнинг жамоат ҳаётида иштирок қилишлари яхши турмуш ва меҳнат шароитлари учун, касаба союз ҳуқуқларини, демократик эркинликларни ва тинчликни қўлга киритиш ҳамда ҳимоя қилиш учун курашда муҳим фактордир.

Ҳозирги вақтда меҳнаткашларга жиддий хавф таҳдид қилмоқда. Европада бу хавф Париж битимларидан иборат, Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришга уринишлан иборатдир. Осиёда эса — империалистларнинг хитой халқига қарши қилаётган игвогарликларидан иборатдир. Жаҳон устида атом уруши хавфи пайдо бўлди. Бутун дун'ёдаги халқлар — меҳнаткаш эркаклар ва хотин-қизлар ана шу хавфларга қарши курашга отланмоқдалар.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси меҳнаткаш хотин-қизларни касаба союзларига уюшишга ва яхши ҳаёт учун, уруш ловини ёқучиларнинг планларини барбод қилиш учун биргаликда олиб борилаётган курашни кучайтиришга чақиради.

Оналарнинг Халқаро демократик хотин-қизлар Федерацияси ташаббуси блан чақириладиган Жаҳон конгрессига энг катта муваффақият тилаймиз.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси меҳнаткаш хотин-қизларнинг турмуши ва курраши блан боғлиқ бўлган проблемаларга ҳамиша гоят катта э'тибор бериб келди. Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, бутун дун'ёда тинчликни сақлашга қаратилган барча тадбирларни бундан буён ҳам ҳамма йўллар блан қўллаб-қувватлайди.

Чехословакия Миллат мажлиси президиумининг йиғилиши

ПРАГА, 25 февраль .(ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: Кеча Чехословакия Республикаси Миллат мажлиси президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда Миллат мажлисининг раиси Зденек Фирлингер халқаро аҳвол ҳақида доклад қилди.

З. Фирлингер доклади юзасидан бўлган музокаралардан кейин Миллат мажлиси президиуми якдиллик блан қуйидаги резолюцияни қабул қилди:

Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг 1955 йил 9 февральдаги Декларациясини табриклайди, чунки Миллат мажлиси президиуми ишонадики, мавжуд халқаро аҳвол ер юзидаги ҳамма мамлакатларнинг парламентларига тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун янада каттароқ мас'улият юклайди.

Жиддий огоҳлантиришларга қарамай ва халқларнинг қаршилик кўрсатаётганига қарамай, Ғарбдаги агрессив доиралар Ғарбий Германияда милитаризмни тикламоқчи, хавфли ҳарбий гуруҳлар тузмоқчи бўлиб уринмоқдалар. Бу ҳарбий гуруҳларда ремилитаризация қилинган реваншист Германия айниқса катта роль ўйнаган бўлур эди. Бу доиралар шу фактга э'тибор бермаётирларки, бундай аҳвол Германиянинг бирлигини тиклаш ҳақида бундан буён музокаралар олиб боришни мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўйган бўлур эди ва бу хил аҳвол кескинликни жиддий равишда кучайтирган бўлур эди ҳамда янги жаҳон уруши хавфини оширган бўлур эди. Тинчлик душманлари шу блан бирга эўр бериб қуролланишни кучайтирмоқдалар ва ўзгаларнинг территорияларида ҳарбий базалар ташкил қилмоқдалар. Улар очиқдан-очиқ атом уруши тайёрламоқдалар. Агрессив доираларнинг ҳарбий игвогарликлари оқибатида узоқ Шарқда кескинлик кучаймоқда. Дун'ёнинг бошқа қисмларида ҳам агрессив урушга тайёргарлик кўриш давом этмоқда.

Уруш ва сулҳ ҳақида қонун актлари қабул қилиш парламентларнинг ҳуқуқидир. Ҳамма мамлакатларнинг парламентлари тинчликни ҳимоя қилиб чиқишлари лозим. Юз берган аҳволдан қутилиш йўли коллектив хавфсизликнинг та'сирли системасини ташкил қилишлан, эркин демократик умумгерман сайлови ўтказиш йўли блан бирлашган, тинчликсевар Германияни тиклашлан, бошқа халқларнинг ички ишларига ажнабийларнинг аралашувини тугатишдан, қурол-яроғларни ялпи камайтиришдан ва атом қуролини ҳамда бошқа хил ялпи қирғин қуролини тақиқлашдан иборатдир.

Шу муносабат блан Миллат мажлиси президиуми СССР ҳукуматининг янги таклифларини, я'ни ҳамма атом ва водород қуроли запасларини йўқ қилиш ҳақидаги, атом материалларидан нуқул тинч мақсадларда фойдаланиш ҳақидаги ҳамда давлатлар ўз қуролли кучларини ва қурол-яроғларини 1955 йил 1 январьдаги даражага нисбатан кўпайтирмасликлари, ҳарбий мақсадлар учун чиқариладиган маблағларни 1955 йилги бюджетдаги маблағлар даражасига нисбатан кўпайтирмасликлари ҳақидаги таклифларини табриклайди.

Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг олижаноб ташаббусини юксак тақдирлаб, унинг таклифларига тамомила қўшилади. Миллат Мажлисининг президиуми ишонадики, айрим мамлакатларнинг парламентлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши, парламентларнинг бир-бирларига делегациялар юбориб туриши ва бир мамлакат парламент делегациясининг иккинчи мамлакат парламентида нутқлар сўзлаши барча мамлакатлардаги халқларнинг бутун дун'ёда тинч истиқболни та'минлаш ишилаги куч-ғайратларига анча катта ёрдам бериши мумкин.

Чехословакия Республикасининг Миллат мажлиси бу соҳада жуда муҳим қадамни қўйди: ўтган йили декабрь ойида унинг вакиллари Прагада Польша Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикаси парламентларининг вакиллари блан учрашдилар. Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг президиуми тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларида ҳамда бутун дун'ёда тинчликсевар кишиларнинг осойишта ижодий ишлашларини та'минлаш манфаатларида бошқа мамлакатларнинг парламентлари блан самимий тинч ҳамкорликни таклиф этади. Бундай ҳамкорлик халқлар ўртасида яхши ҳамжиҳатлик ўрнатиш ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлур эди, бундай ҳамкорлик мавжуд халқаро кескинликни юмшатиш ишига қўшилган катта ҳисса бўлур эди.

Лейпцигда 1955 йил кўкламида очиладиган ярмаркада қатнашучи Совет ҳукумат делегацияси ГДРга келди

БЕРЛИН, 25 февраль. (ТАСС). Лейпцигда 1955 йил кўкламида очиладиган ярмаркада қатнашучи Совет ҳукумат делегацияси ГДР ҳукуматининг таклифига мувофиқ бугун Берлинга келди.

Делегацияга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. И. Микоян бошчилик қилади. Делегация составида СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов ва РСФСР маҳаллий саноат министри Н. Е. Чесноков бор.

Берлиндаги Шенефельд аэродромида Совет ҳукумат делегациясини ГДР Халқ палатасининг Раиси Иоганнес Дикман, ГДР бош министри Отто Гротеволь, ГБСП Марказий комитетининг биринчи секретари ва бош министр ўринбосари Вальтер Ульбрихт, бош министр ўринбосарлари Вилли Штоф, Генрих Рау, Лотар Больц, Отто Нушке, Ганс Лох, ҳукумат а'золари, ГДР Ўзжалар палатаси президиумининг раиси Рейнгольд Лобеданц, ГБСП Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари ва кандидатлари, ГБСП Марказий комитетининг секретарьлари, Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг а'золари, ташқи ишлар министрлигининг, ташқи ва ички герман савдоси министрлигининг раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

СССРнинг ГДРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Г. М. Пушкин, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони армия генерали А. А. Гречко, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, СССРнинг ГДРдаги савдо вакили Б. П. Мартинов, шунингдек СССРнинг ГДРдаги элчихонасининг ва савдо ваколатхонасининг мас'ул ходимлари ҳам Совет ҳукумат делегациясини кутиб олдилар.

Совет ҳукумат делегациясини кутиб олиш вақтида фахрий қоровул қўйилди ва СССР ҳамда ГДР давлат гимнлари ижро этилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. И. Микоян аэродромда қуйидагиларни айтди:

«Қадрли дўстлар!.

Сизларни немис юртида табриклашга ва Совет Иттифоқининг яхши истакларини изҳор қилишга руҳсат этгайсиз.

Биз, Лейпциг ярмаркасида қатнашиш тўғрисидаги таклифномангизни мамнуният блан қабул қилдик. Сизлар ана шу ярмарка традициясини моҳирлик блан қўллаб-қувватлаб келмоқласиз ва бу ярмарка ҳозирги кунда умумгерман иши ва умумевропа иши сифатида янада катта аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг халқлари немис халқининг милитаризмнинг қайтадан вужудга келтирилишига қарши, Германиянинг тинч йўл блан тараққий этиши учун, бирлашган ва демократик Германия учун олиб бораётган курашини муҳаббат ва қардошлик туйғулари блан кузатиб турибдилар.

Барча немис ватанпарварларининг ўз миллий орзу ва умидларини амалга ошириш учун олиб борилаётган ана шу курашида Совет Иттифоқининг ҳартомонлама ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашига умид боглай оласиз».

АҚШ Компартиясининг президент Эйзенхауэрга очиқ мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси президент Эйзенхауэр номига ёзилган очиқ мактубни матбуотда э'лон қилиш учун топширди. Мактубда бундай дейилади:

«Ҳукумат томонидан қўйилган шоҳид Харвей Матусоунинг Смит қонунига асосан ўтказилган ҳархил суд мажлисларида ва фикр устидан контроль ўрнатиш йўлидаги уринишни ифода этган бошқа суд мажлисларида берган соҳта гувоҳлиги муносабати блан юз берган шармандалик ҳол ана шу суд-сўроқлар Кўшма Штатларнинг бутун тарихида энг ёмон юридик найрангларнинг энг паст даражасига тушиб қолганлигини кўрсатади...

Ана шу шармандали ҳол қуйидагиларни жуда яққол исбот этади: биринчидан, айтқочилар ва провокаторлар системаси ёрдами блан кўп коммунистлар ва прогрессив кайфиятдаги бошқа граждалар каторга тюрьмаларига юборилмоқда ёки сургун қилинмоқда. Ана шу профессионал айтқочиларнинг беистесно ҳаммаси ўтажетган ёлғончилиги, шу ишлар ҳамма ёрдамчилар блан